



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (12.970)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ ЙЎЛЛАР ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТМОҚДА

Истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан йилга очилиб, янада гўзал ва обод бўлиб бораётганида ўз аксини топмоқда.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишда улкан аҳамият касб этаётган замонавий транспорт инфратузилмасини барпо этишга қаратилган ислохотлар кўлами тобора кенгаймоқда. Янги-янги темир ва автомобиль йўллари, магистраллар, муҳташам кўприкларнинг қўллаб барпо этилиши натижасида Ўзбекистон бугунги кунда қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашган муҳим ва замонавий мамлакатга айланиб, шаҳар ва қишлоқларимизда мутлақо янги, жаҳон талабларига жавоб берадиган транспорт-коммуникация тармоқлари шаклланимоқда.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг самарасини азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри мисолида яққол кўришимиз мумкин, – дейди «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Қахрамон Ҳақимов. – Хусусан, қўллаб йўлқўзгич ва эстакадаларга эга бўлган 6-8 полосали 32 километрлик Тошкент Кичик ҳалқа йўли, Олмазор туманидан бошланган Беруний кўчасини Шайхонтоҳур туманидаги Осиё кўчаси билан боғлайдиган, Форобий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини ўзаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги янги Нурафшон кўчаси бунёд этилгани пойтахтимиз йўлларида транспорт ҳаракатини такомиллаштириш, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун ҳар томонлама қулайлик тугдиришга пухта замин яратди.

Жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесиладиган манзилда барпо этилган узунлиги 500, эни 26 метрни ташкил этадиган янги замонавий кўприк мамлакатимизда йўлсозлик ва кўприксозлик анъаналари изчил ривожланиб бораётганини амалда яна бир бор исботлади.

Мустақилликнинг 24 йиллигини нишонлашга кенг тайёргарлик кўриладиган шу кунларда Ўзбекистоннинг бош шаҳрида яна бир хайрли тadbир – Мирзо Улуғбек, Юзработ, Феруза ва Тараққиёт кўчаларида қатнов йўлини кенгайтириш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

Ҳар куни Чилонзордан Тракторсозлар мавзесига келиб кетаман, – дейди пойтахтлик Аҳмаджон Ёқубов. – Эрталаб ишга келаётиб, кечкурун уйга қайтаётганда Мирзо Улуғбек кўчасидаги тирбандлик оқибатида анча-мунча вақт йўқотишга тўғри келарди. Кунни кеча бошланган қурилиш ишларини кўриб, тез орада бу муаммо бартараф этилишига ишонч ҳосил қилдим. Бинобарин, транспорт тирбандлиги бу – вақт йўқотиш, асаб

бузилиши, ортиқча ёнилғи, экологияга зарар демакдир. Энди буларнинг барчасига барҳам берилади.

Мирзо Улуғбек кўчасида олиб бориладиган ишлар натижасида мавжуд автомобиль йўли 10 метрга кенгайиб, 8 полосали равон, тезюрар йўл қурилади. Энг муҳими, ушбу йўлнинг ишга туширилиши нафақат пойтахтимиз аҳли учун, балки Қибрай тумани орқали Чирчиқ шаҳри ҳамда Бўстонлиқ туманидан келиб-кетадиган минглаб одамларнинг узоғини яқин қилишга хизмат қилади.

Реконструкция ишлари натижасида Тракторсозлар мавзесидан Мирзо Улуғбек, Юзработ, Феруза кўчалари орқали Кичик ҳалқа йўлига чиқиб, Тошкент вокзалигача, сўнг Меҳржон кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасидан Қўйлиқ марказигача бўлган трамвай йўналишининг Тракторсозлар мавзесидан Тошкент вокзалигача бўлган қисми қисқартириладиган бўлди.

Жамоат транспорти самарадорлигини ошириш мақсадида янги «Тракторсозлар мавзеси – Тошкент вокзали» автобус йўналиши ташкил қилинди, – дейди «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқарув раиси Отабек Содиков. – Йўналишда «Mercedes Benz» русумли 12 автобус ҳаракатланиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда, шунингдек, ушбу йўналишда яна 8 автобус йўналиши мавжуд. Бундан ташқари, Тараққиёт кўчасидан Оҳангарон шоссесигача 3 километр узунликдаги янги трамвай йўлини қуриш ва уни Авиасозлар бекатидан Роҳат кўли бекатигача мавжуд бўлган 5 километрлик трамвай йўли билан улаш кўзда тутилган.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг охирига қадар Роҳат автомобиль айланмасида янги транспорт боғламаларининг бунёд этилиши пойтахтимиздаги транспорт ҳаракатини янада яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишларнинг асосий мақсади – инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтимизда бошланган мазкур бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун мустақилликнинг 24 йиллигига ўзига хос совға бўлади.

БЕХЗОД БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



Отабек Мирсомонов олган сурат

Юксак маънавият — енгилмас куч

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЗИЁЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда «Йилнинг энг фаол маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда ёш авлод маънавиятини бойитишга катта ҳисса қўшаётган, илғор, ташаббускор зиёлилар аниқланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизнинг эртанги кунини, етук билимли, юксак маънавиятли инсонларни камолга етказиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб эгалари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнати турли кўрик-танловларда эътироф этилиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

«Йилнинг энг фаол маънавий-маърифий ишлар бўйича дирек-

тор ўринбосари» анъанавий республика кўрик-танлови ҳам таълим муассасалари директор ўринбосарлари орасидан энг намуналиларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, таълим сифатини оширишга қўшган ҳиссаси, ижодий ташаббускорлигини эътироф этиш, қўллаб-қувватлашда айна мудоао бўлмоқда.

Кўрик-танловнинг мамлакат босқичи қизгин жараёнларга бой бўлди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар салоҳиятини беш шарт асосида баҳолади. Биринчи шартда иштирокчилар ўз фаолияти ҳақида «Менинг гоям» мавзусида тақдирот ўтказди. Иккинчи шартда таълим-тарбия жараёнида учрайдиган айрим муаммоларни вазиятларга самарали ечим изланган бўлса, учинчи шартда интеллектуал салоҳият синондан ўтказилди. Кейинги шартда масъулиятли касб эгалари ўзларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, эркин мавзудаги бешинчи шартда қўшиқ айтиш, мусиқа асбобларини чалиш, шеър айтиш, нотиклик маҳоратини намойиш этди.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган

умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шоира Багирова биринчи, Самарқанд туманидаги 2-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ситора Зафарова иккинчи, Навоий вилояти Навбахор туманидаги 5-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Тиловова учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистондек зиёлилар ардоқланган юрт фуқароси эканимдан фахрланаман, – дейди ЎЗА мухбирига кўрик-танлов солиби Ш.Багирова. – Юртбошимизнинг биз, мураббийларга кўрсатётган чексиз эътиборини кундалик ҳаётимиз, меҳнат фаолиятимизда доимо ҳис этамиз. Мазкур танловнинг ташкил этилишида ҳам бунини кўриш мумкин. Ана шундай юксак эътибор барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашга, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишда фидойи бўлишга даъват этади.

ДИЛШОД КАРИМОВ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Жорий йилнинг 5 август кунини «Туркистон» санъат саройида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



«Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар» Дастурида

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган ушбу танловда туман босқичларида биринчи ўринни эгаллаган 11 та фуқаролар йигини ўзаро баҳс олиб боради.

XXI аср
Барча манбалардан
олинган сўзлар
қабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода «Ранглар жилосида она диёр мадҳи» мавзусида тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб, «Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган кўргазмада вилоятда яшаб ижод қилаётган мўйқалам усталари, кулollar ва ҳайкалтўрларнинг саксонга яқин асари намойиш этилмоқда.

● Жиззахда ўтказилган «Отам, онам ва мен – спортчи оила» анъанавий спорт ўйинларининг вилоят босқичида 12 оилавий жамоа иштирок этди. Иштирокчилар миллий спорт турлари ва ўйинлари бўйича куч синашди. Энг кўп очко тўплаган Пахтакор туманининг «Боғишамол» маҳалласида яшовчи Соатовлар оиласи биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Наманганда «Маҳалламиз пахлавонлари» республика анъанавий турнирининг вилоят босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида миллий кураш бўйича ташкил этилган мазкур турнирда етмишдан зиёд ёш полвон иштирок этди.

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари республика форуми бўлиб ўтди.

● Нукусда «Созлар навоси» ёш мусиқа ижрочилари кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда 20 нафар санъатсевар ёш ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Австралианинг шимоли-шарқий соҳилларида қучлианинг 5,3 баллга тенг зилзила содир бўлди. Икки дақиқа давом этган табиий офат маркази Квинсленд штати қирғоқлари-

дан 100 километр узоқда, 30 километр чуқурликда қайд этилган.

● 2022 йилга бориб Хиндистон давлати аҳолиси сони бўйича Хитойдан ўзиб кетади. Натижада у дунёдаги нуфуси энг кўп мамлакатга айланади. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли сонини ўрганиш бўлими томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилди. Унга кўра ҳозир Хитой аҳли 1,38 миллиардга тенг бўлса бу кўрсаткич 2030 йилга қадар деярли ўзгармайди. Хиндистонда эса мазкур микдор 1,31 миллиарддан 2022 йилга келиб 1,4 миллиард нафарга етади.

● Япониянинг ўйин қурилмалари ишлаб чиқарувчи «Nintendo» компанияси жорий молиявий йилнинг биринчи чорагини ижобий кўрсаткич билан якунлади. Яъни корхона бу даврда 1,1 миллиард мена (9,3 миллион АҚШ доллари) микдорида даромад кўрган.



Мухаммад Амин олганов

Пойтахтимизда темирйўлчилар касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раҳбарияти, меҳнат фахрийлари, соҳа илғорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони О.Раматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида темир йўл тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳаракатланувчи таркибни модернизациялаш, соҳага инновацион лойиҳаларни жорий этиш, тармоқнинг туризм салоҳиятини ошириш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар ортди. Бугунги кунда юртимизда юкларнинг 60, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиги темир йўллар орқали ташилмоқда. Биргина жорий йилда 40 миллион тоннадан зиёд юк, 11 миллион йўловчи ташилди.

Истиклол йилларида барпо этилган Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус темир йўли мамлакатимиз шимолини марказ билан, Амударё орқали ўтган кўприк Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини

бошқа ҳудудлар билан боғлади. Қисқа фурсатда қуриб битказилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси жанубий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Айни вақтда Ватанимизнинг ягона темир йўл тизимини яратилишига нобаридаги босқичи сифатида яна бир йирик ишшоот – Ангрен-Поп янги электрлаштирилган темир йўл қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Мазкур темир йўл линияси қурилиши амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 186,7 миллион доллар эъланлаштирилди. Бугунги кунгача 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темир йўл кўприги, «Орзу» вокзали, «Кўл», «Темирйўлобод», «Қўшминор» станциялари қуриб битказилди. Бунёдкорлик ишларида 4 минг 250 дан ортиқ мутахассис, 720 дан ортиқ техника воситалари қучидан унумли фойдаланилаётди.

Хитойлик ҳамкорлар томонидан 19,1 километрлик туннелни қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Асосий туннелда шу кунгача қариб 13 километр, қўшимча

туннелда 14 километр қазил ишлари бажарилди. Туннелнинг 8 минг 600 метрлик қисмида пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Ушбу темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан боғлаш имконини яратди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл тизимини шакллантириш ишлари якунига етказилиб, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг муҳим бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимиз транспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга доир изчил чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ тармоқда электр поездлар ҳаракатланишини янада ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Хўжақент электрлаштирилган темир йўлига Тўқимачи-Ангрен йўналиши қўшилди. Мароканд-Қарши темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари давом этмоқда. Умумий узунлиги 291 километрли ташкил этувчи Самарқанд-Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Локомотив паркинни янгиллаш борасидаги ишлар самарасида ўтган йилларда замонавий ва юқори самарали электровозлар сотиб олинди.

Темир йўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассисларни кенг жалб этиш билан боғлиқ. Юртимиздаги олтига касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассис аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқаяётган мамлакатимиз темир йўл транспорти тарққети учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Анжуманда темирйўлчиларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириб келинаётгани таъкидланди. Таниқли санъаткорлар ва ёшлар ижросидаги концерт дастури барчага байрамона кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Маҳалла

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА УНУМ БЎЛАДИ

Бугунги кунда азалий қадр-қимматимиз тимсоли, ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳаллаларда янада катта эътибор қаратилган.

Чунки маҳаллада ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тоғувлик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-ҳашам ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналар ривожланган. Мустақиллик йилларида эса маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб кадрлар, ушбу маҳалла ҳудудида 19 та ҳусусий хонадонлар ва 21 та кўп қаватли уйлар бўлиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари катта эътибор қаратилган. Бугун айниқса Эшон Бобохон ва унинг 1,2, 3-тор кўчалари, Ал-Хоразмий ва унинг 2-тор кўчаларида йўлингиз тушиб қолса шишамлик ва орасталиқдан баҳри дилингиз очилди. Ариқларнинг тоза-озодлиги, хонадонлар атрофининг сўпчилиги, сувар сепилгандаги фазил бўлакча.

Маҳалламизда 5692 нафар аҳоли тинч-тотув, ҳам-жаҳатликда, тўю-томоша бўладими, оғир кундами ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлаш умргузаронлик қилиб келмоқдалар, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фарид Атаметова. — Аҳоли билан мунтазам равишда ёзувчи шоирлар, элимиз ардоғидаги олимлар, бир сўз билан айтганда турли соҳа ходимлари билан қизиқарли учрашувлар, тадбирлар ўтказиб келамиз.

Дарҳақиқат маҳаллада ўтказилаётган турли тадбирлар, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари, хонадонларни озода-покиза сақлаш, ҳашарларда аҳолининг фаол қатнашиши маҳалла оқсоқоли Шерзод

Мирзаев бошчилигида фаолларнинг фидойилик билан олиб бораётган меҳнатлари самараси албатта. Маҳаллада ўғил-қизларнинг саломадлиги, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши ҳаммаша эътиборда. Бундан ташқари аҳоли саломадлигини тиклаш, тиббий маданиятини ошириш мақсадида ҳудуддаги 45-оилавий поликлиника шифокорлари билан доимий мулоқот ўрнатилган. Яқинда 8 та тор мутахассислик шифокорлари аҳолини тиббий кўрик-даво ўтказиб, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўз маслаҳатларини бердилар. Республика Онкология илмий маркази томонидан ўтказилган профилактик тиббий кўрикда ҳам марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор С. Наврўзов турли ўсма касалликларининг олдини олиш ва аниқланган тадбирда уни даволаш, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди. Марказнинг шифокор-ҳамширалари томонидан иш жараёнининг саҳна кўринишларида акс эттирилиши, саломатлиги асрашга ва «Касални даволагандан кўра унинг олдини олиш афзал» деган нақла амал қилишга даъватлари катта-кичикки бефарқ қолдирилди.

Бугун ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, ҳаётида ўз ўринларини топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дея ўз фикрини давом эттирди маҳалла маслаҳатчиси. — Биз эса фарзандларимизга тушунтиришимиз, ёшлардан тўғри тарбия бериб, имкониятлардан унумли фойдаланишни ўргатишимиз лозим. Токи келажақ авлод халқига, она Ватанига муносиб фарзанд бўлиб вояга етишида муносиб ҳиссамиз борлигини ҳис этиб яшайлик. Маҳалла бу борада бош тарбиячи бўла олади десак янглишмаймиз.

Шоира МУХАМЕДОВА

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, унинг тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари изчил ривожланиши ва уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид демократик ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган мустақкам ҳуқуқий базани яратилди.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг институционал базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз олий қонун чикарувчи органи ҳузурида жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссияси ташкил қилинди.

Мазкур комиссиянинг фаолияти фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошқорча, аниқ йўналтирилган, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришда янги истиқболларни очиб берди. Унинг асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунини фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масъулият ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат ва жамият мустақкам ҳамкорлигини қўлайтиришда янги имкониятларни яратмоқда.

Мазкур қонуннинг 21-моддасида давлат ижтимоий буюртмаси давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топиригидан иборат бўлиши белгиланган. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2015 йилда давлат ижтимоий буюртмаси шаклида ижтимоий шериклик субъектларининг 15 лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК НАТИЖАЛАРИ

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан тақдим этилган лойиҳа «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий мослаштириш марказлари тармоғини ривожлантириш» деб номланиб, у Қашқадарё вилоятида ҳудудда эҳтиёжли болаларга ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий, ахборот ва ахборот-таълимий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратди. Ушбу лойиҳа доирасида Қарши шаҳрида бунёд этилиши мўлжалланган филиал юртимизнинг чеҳра ҳудудларида, жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва оилаларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий, педагогик-психологик кўмак қамровини тобора кенгайтиришга имкон яратди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг қабул қилингани ёши улуг инсонлар саломатлигини мустақкамлаш, уларга кўрсатилган ижтимоий, тиббий, моддий ва маънавий, ижтимоий кўмак қўламини тобора кенгайтириш, навқирон авлодни табаррук ёшдаги юртдошларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронтини фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришдек мақсадларни қўлаган. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат

фонди томонидан тақдим этилган лойиҳалар ана шу эзгу мақсадларни назарда тутган.

Мамлакатимизда миллий медиа соҳасининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа мутахассисларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш доимий эътиборда. Парламент комиссияси томонидан 2015 йилда давлат буюртмаси сифатида молиялаштирилаётган лойиҳаларда миллий медиа тузилмаларнинг салмоқли ўрин эгаллагани оммавий ахборот воситаларини раванг топтиришга кўрсатилган чексиз эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғидир. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «UzReport» ахборот агентлиги, «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, «Жамият» ижтимоий-саноат газетаси, «Telegram» ахборот-таълимий портали томонидан тақдим этилган лойиҳалар «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ибратли ишлар қўламини билан халқимиз, кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ижтимоий ҳаётда ўз фаолиятини давомлатиш асосда ёндашуви шакллантиришдан иборатдир.

Айни пайтда Ёшлар ташаббуслари маркази, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, «Ўзбекистон – Корейс» миллий маданий марказлари уюшмаси сингари жамоат ташкилотларининг лойиҳалари ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларда спортга бўлган меҳр ва қизиқишни тобора қўлайтириш, қалби ва онгида истиқлол неъматларини, тинч ва оқилолти қўламлигининг қадрига етиш, ўзаро бағрикенглик, меҳр ва муруват, саховат каби эзгу қасдларни мустақкам қарор топиришдек мақсадларни қўлайди.

Давлат ижтимоий буюртмаси сифатида тақдим этилган барча лойиҳаларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги каби идоралар ижтимоий шерик сифатида иштирок этаётгани турли долзарб масалаларни ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни тобора мустақкамлашга, қўлашган эзгу чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Буллар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинлари томонидан илгари сурилаётган ҳаётиёқ, долзарб гоё ва ташаббуслар доимий қўллаб-қувватланаётгани, давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида эканининг ёрқин ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топиришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз олий ўқув юртиларида ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий усул ва шакллари жорий этилаётганини таъкидлади. Юксак профессионал қўлинка, интеллектуал салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳар қандай вазиятда мустақил қарор қабул қилишга қодир офицер кадрларни тайёрлашнинг самарали тизими йўлга қўйилган.

Ихчам, тез ҳаракатланадиган ва замонавий қурол-яроғ билан таъминланган, Ватанимизни ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларнинг ташкил этилган миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда миллий ва хорижий тажриба инobatга олинган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Академияда ўқитиш жараёнида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Академияда ўқиш давомида ўз билим ва қўлинкаларини янада бойитдим, — дейди ЎЗА муҳбирига майор В.Сатуров. — Тўққиз йил аввал Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртини аъло баҳоларга битириб, турли ҳарбий қисмларда хизмат қилдим. Шу вақт мобайнида қўлланган тажриба ва қўлинкаларим мамлакатимиз тинчлиги ва оқилолтигини асрашда қўл келаяптир. Бундан буён ҳам Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш, Ўзбекистоннинг ҳарбий қудратини мустақкамлаш учун бор куч ва билиминини аяман.

Роман БОНДАРЧУК

Танловлар

БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!

Ҳарбий хизматчиларда фидойилик, мардлик ва матонат каби эр-йигитларга хос сифатларни шакллантиришга, уларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган, бир неча йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми ва муассасаларида ўтказиб келинаётган «Балли, йигитлар!» кўрик-танловининг иккинчи босқичи Тошкент ҳарбий округида кўтаринкилик билан ўтказилди.

Унда «Тўпчилар», «Мерганлар», «Учувчилар», «Қалқон», «Десантчилар» жамоалари иштирок этди.

Чирчиқ гарнизонини офицерлар уйда бўлиб ўтган кўрик-танловда иштирокчилар учта шарт бўйича ўз эҳтилол ва уздабуронликларини намойиш қилдилар. «Танишнинг, бизнинг жамоат», «Армия кино сафарида», «Ҳарбийлар дам олганда» деб номланган шартларни бажариш давомида кенг баҳо-ларда иштирокчиларнинг зуққолиги, топқирлиги ва сўзга чечанлиги яққол намоён бўлди. Уларнинг ҳар бир чиқишини, мавзага ёндашишини баъзи бир ҳолатларни ўткир юмор билан танқид остига олишини Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари кўмондонлиги, Чирчиқ шаҳар маданият муассасалари вакилларида иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Умумий натижаларга кўра, энг юқори балл тўлаган «Тўпчилар» жамоаси биринчи, «Учувчилар» жамоаси иккинчи, «Десантчилар» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Муддатли ҳарбий хизматга катта орзу-ҳавас ва қўли иштиёқ билан келгандим, — дейди «Десантчилар» жамоаси вакили, олдин аскар Ботир Ортиқбоев. — Илк машғулотлар, ҳарбий техника ва ўточар қуроллар билан танишув жараёнида бир умр ёдимдан кўтарилмас керак. Ҳозир десантчи номига муносиб бўлиш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида фаол иштирок этаёмиз. Ҳарбий билимларни чуқур эгаллашимизда бугунгидек маданий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бу каби беллашувлар биз — аскарларни бирликлари ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ундаётди.

Кўрик-танловда энг юқори балл тўлаб ғолиб бўлди, — дейди «Тўпчилар» жамоаси сардори, олдин аскар Акмал Пулатов. — Бунинг учун аввало кутубхоначи опамиз Лола Мирзаева ҳамда майор Зиёда Қасимовга миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг йўл-йўриқлари ва бизга маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида бераётган билимлари туфайли шу натижага эришдик. Ҳарбий қисимимизда дам олиш учун ҳам, спорт билан шуғулланиш ёки турли адабиётлар билан танишиш ва мана шундай тадбирларга тайёргарлик қўриш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Галабамиз замирида ана шулар ҳам бор. Мақсадимиз ҳаммаша илғор бўлиш, берган қасамдимишга содиқ бўлиб, юртимизни қўз қорачиқидек асрашдир.

Танлов якунида ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Э. ОТАМУРДОВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ АСОСИ

Тошкентда «Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Бельгия, Германия, Хиндистон, Италия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан экспертлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, парламент аъзолари, олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатидда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш соҳасида Ўзбекистоннинг ташкилий-ҳуқуқий таъриби, давлат ва жамият қурилишида «учинчи сектор»нинг ўрни ва ролини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бу борадаги хорижий таърибга мурожаат этилди.

Тадбир иштирокчилари Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» стратегияси юзасидан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шартнолар яратилди. Ўзбекистон фуқаролик жамияти тизимининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, иқтисодий ҳаракатлар, қасба-қошчалари, жамоат бирлашмалари ва фондлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга иқтисодий ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш бериши мустаҳкам қўйилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришни ҳуқуқий асосига айлانган икки юздан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Қасба-қошчалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. Давлат маблағларини грант, субсидия ва иқтисодий ёрдамлар шаклида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга манзилли ва очик-ошкора, демократик йўналириш бўйича самарали тизим шакллантирилди.

Германияда фуқаролик жамияти соҳасида ва унинг фаолиятини оширишда фуқарога нодавлат секторини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли объекти сифатида эътибор қаратилади, — дейди Берлин иқтисодий тадқиқотлар илмий маркази ходими Эккард Приллер (Германия). — Ўзбекистонда бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишда ва бу жараёнда фуқаролар фаолиятини ошириш назарда тутилган. Мамлакатимизда ушбу масалага бундай комплекс ёндашув халқаро илмий ҳамжамият учун фойдаланарли.

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, давлатнинг жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга тайёригли ва иштироки фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Экосан» ва «Нуроний» жағмааралари, «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати доирасида иқтисодий аҳамияти молик масалалар билан шугулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳақида яқиндан танишиш имкониятига эга бўлиб, — дейди Бельгиянинг «EU Logos Athena» ҳўкуматга қарашли бўлмаган ташкилоти маслаҳатчиси Пьер Бергольц. — Европада аҳолининг давлат, тижорат ва жамоат ташкилотларига бўлган ишончи «учинчи секторни» ривожлантиришнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида ушбу йўналишда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг тобора фаоллашиб, давлат ва жамият бошқарувидаги фаолияти қўламини ва ваколатлари кенгайиб бораётгани Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳаётида татбиқ этилаётгани билан бевосита боғлиқ экани таъкидланди. Концепция доирасида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият қурилиши жараёндаги иштирокчи кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Эко-

логик назорат тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида» ва «Иқтисодий шериклик тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

Жаҳодалар Неру номидagi университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби дастури директори Ажай Кумар (Хиндистон) Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тизимини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди. «Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўлпартиявийлик тизимининг қонунийлик асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар рўйбга чиқарилди. Ўзбекистон мавқуд иқтисодий-сиёсий воқеликка мувофиқ демократияни мустаҳкамлаш бўйича ўз йўлини танлади», — деди хиндистонлик эксперт.

Анқуманда хорижий экспертларга фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган қўшимча чора-тадбирлар ҳусусида атрофлича маълумот берилди. Жумладан, 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинган давлат бож ставкаси 5 баробар, уларнинг рамазларини давлат рўйхатига олиш учун ўндириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баробар қамайтирилгани қайд этилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудлардаги ваколатхона ва филиаллари бож ўндиримасдан рўйхатга олинмоқда. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар жамоат бирлашмалари учун белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз ўрнатилган. Буларнинг барчаси тўловлардан озод бўлган маблағни лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга йўналтириш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича қилинаётган сай-ҳаракатлар ҳақида бой ахборотга эга бўлиб, — дейди Ў.А. муҳбирга «Шмол-Шарк 77 маҳаллий миссияси» ННТ директори Селин Мартан (Франция). — Қонунийлик асосида ташкил этилган ва фуқаролик институтларини салмоқли қўллаб-қувватлаётган бундай тизим жуда ҳам мамлакатларда жорий қилинган. Ўзбекистон бу борада катта ютуқларга эришмоқда.

Мамлакатимиз «учинчи сектор»нинг муҳим иқтисодий-иқтисодий давлат дастурларини амалга оширишга қўлаётган ҳиссаси йил сайин ошиб бормоқда. Айнан уларнинг фаол иштирокчи «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари, 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш дастури, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий-маънавий маконини ошириш билан шугулланадиган фуқаролик жамияти институтлари кенг фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Европа аёллари лоббиси» ташкилоти Италия бўлими бош қотиби Мария Ботарелли. — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасидан тортиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўйилган барча тизимлар хотин-қизларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қилимоқда. Бундай таърибга чуқур ўрганишга ва бошқа давлатларда ҳам қўлашга лойиқдир.

2013 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокчида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича қўшма дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда. 2013 йилда ҳамкорликдаги тадбирлар доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборот-ташқилий фаолиятини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар баъжарилди. 2014 йилдаги тадбирлар уларнинг иқтисодий, социал-иқтисодий фаолиятини оширишга йўналтирилди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекс режаси давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ўртасидаги иқтисодий шериклини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мутасар айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш кўрсаткичларида ўз аксини топтоқда. 1991 йилда мамлакатимизда янги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 2585 тага етди. 2000-2010 йилларда эса бу кўрсаткич 5431 тага ташкил етди. Бугунги кунда мамлакатимизда 8240 нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатга олинган.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замонавий халқаро тенденцияларига тўла жавоб беради. Улар миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқароларнинг иқтисодий-сиёсий ва социал-иқтисодий фаолиятини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга хизмат қилаётди.

Тадбир якунида Ўзбекистонда «учинчи сектор»ни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сардор ТОҶИЕВ



Баркамол авлод

ИЖОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги Яккасарой туман «Баркамол авлод» болалар маркази 2011 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватловчи ушбу даргоҳ замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларга яхши билим бериш, уларнинг истеъдоди ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, юқори салоҳиятли, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида қарайдиган комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

— Бизнинг асосий мақсади-миз ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида билим, кўникма ва малакалар бериш, ҳар бир боланинг билим даражасини, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали ўқув дастурларини ўзлаштиришга эришиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат, — дейди Яккасарой туман «Баркамол авлод» болалар марказининг раҳбари Дилдора Яхёева.

— Биз илгор педагогик усуллар ва методлар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда билим беришнинг янги шаклларида экскурсия, йиғинлар, тест ва интерфаол ўйинлар орқали ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришмоқдамиз. Ҳозирги кунда 25 та тўғарақда 500 дан ортиқ ўғил-қизлар бизнинг марказимизда таълим олмоқда. Бунинг учун 15 нафардан зиёд ёш мутахассислар жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини

ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Баркамол авлод» болалар марказида «Инглиз тили» ва «Испан тили» тўғарақлари очилган.

Шунингдек, Яккасарой туман «Баркамол авлод» болалар маркази томонидан кам таъминланган оилалар, ногирон, бокучи-сини йўқотган, имконияти чекланган болалар учун тумандаги 26-, 48-, 89-, 144-, 118-, 172-, 319-мактаблар, шунингдек, 25-маҳсус умумтаълим мактаб қошида бепул тўғарақлар ташкил қилинган.

— Марказимизда бадий нафосат йўналишидаги тўғарақ аъзолари турли тадбирларда ўз концерт дастурлари билан қатнашиб келмоқдалар, — дея фикрини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Ташкидлаб ўтмоқчи-манки Светлана Сайдиеванинг «Вокал» тўғараги аъзолари Халқаро болалар фестивалида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ҳар бир юртнинг келажаги, эртасининг қандай бўлиши унинг ўсиб келаётган ёшларига боғлиқ. Барча соҳада юқори малакага эга ва Ватанга сандокатли фарзандларнинг бўлиши ҳам ўша юртнинг порлоқ келажагидан далолат беради.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Чет мамлакатларнинг таърибасини ўрганиш мақсадида, Корея Республикасининг Сеул ва Йонсей университетлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги имзоланган меморандумига асосан, мазкур университетларнинг ички тузилиши, жиҳозланиши ва илмий йўналишлари ўрганилмоқда. Мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ, бир неча маҳаллий ёш мутахассислар орасидан Кореяга юбориш учун номзодлар танлаб олинди. Бундан ташқари, Шанхай «Цзютун» стоматология институти, Москва давлат тиббиёт университети билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Ўтган давр мобайнида институт жамоаси томонидан стоматологик касалликларни эрта ташхис қилиш, протезлаш ва амалий стоматологияда қўлланиладиган даволашнинг янги технологиялари бўйича ўқув семинарлари, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан институтда «Стоматологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда Германия, Россия, Жанубий Корея ва Қозғистон давлатларининг таниқли олимлари, мутахассислари қатнашдилар.

Шу кунларда республикаимизнинг барча олий ўқув юрларида сингари ТДСИ ташкил тоғданган бўён, биринчи марта абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни ўтказилмоқда. Ушбу билимлар танловида иштирок этадиганларнинг кўпчилиги эканлигини инobatга оладиган бўлсак, у жуда қизғин ва мурасасиз ўтиши кўтилмоқда ва уларнинг орасидан энг билимлилари талабалар сафига қўшилиши шубҳасиздир.

Дилфуза БҮРОНОВА,
Тошкент давлат стоматология институтининг
кафедра мудири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидagi барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдо-ларга таклиф этади. Сиз савдо-ларда мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳақда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел: (0 371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24. Лицензия: RR-0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳрси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, ТИФ «Миллий банк» Тошкент вилоят бўлими томонидан 2015 йил 31 июлдаги № МР-11/3638 бюрт-маномасига асосан, I. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Иштиро-чилар кўчаси, 1-уйнинг 1-хонадони 1 қаватли турар жой биноси. Бошланғич баҳрси — 81 026 977 сўм. II. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Иштирочилар кўчаси, 1-уйнинг 2-хонадони 1 қават-ли турар жой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳрси — 79 204 666 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 8 сентябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушулик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 7 сентябрь кuni соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 8 сентябрь кuni сотилма-ган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 11, 15, 18 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 11 сентябрдаги такрорий савдо учун 10 сентябрь кuni соат 16:00; 2015 йил 15 сентябрдаги такрорий савдо учун 14 сентябрь кuni соат 16:00; 2015 йил 18 сентябрдаги савдо учун 17 сентябрь кuni соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо қоллибга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Сотувчи томони-дан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузишда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳрсининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmat» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Ипак йўли банк» АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор ту-мани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz, rielsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Миробод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи вақант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Ўқув ишлари бўйича директор ўрин-босари.
2. Ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўй-ча директор ўринбосари.
3. Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари.

Малака талаблари:
— Олий маълумотли.
— Таълим тизимида иш фаолиятига эга бўлган.

— Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўна-лиши бўйича 5 йил стажга эга бўлиши шарт.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжат-лар тақдим этилади:

1. Ариза.
2. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш ва-рақаси) ва таржимаи ҳол.
3. Маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси.
4. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақида-ги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
6. 4х6 ўлчамли 6 дона фотосурат.
7. Паспорт нусхаси.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қуддус кўчаси, 12-уй. Тел: 283-40-12.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси қошидаги Тошкент Радиотехника ва ав-томатика касб-хунар коллежи ошхонасини ижарага бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий яшовчи, дав-лат рўйхатидан ўтган, юридик шахс маконига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Катта Қаъни кўчаси, 52-уй. Тел: 216-76-16, 216-22-14.

«Тошкент оқшони» газетасининг 2015 йил 13 июль кунги 142-ва 2015 йил 15 июль кунги 147-сонларида чоп этилган хабарномаларда 2015 йил 23 февраль кунги ЖСХ-148-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулкларнинг 2015 йил 4 август кунига белгиланган аукцион савдоси Миробод туман суд иқдорчили бўлимининг 2015 йил 31 июль кунги хатига асосан тўхтатилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Тошкент Транспорт касб-хунар коллежи ошхонаси-ни ижарага бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар эълон қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д20-35а-уй. Тел: 216-21-74, 216-38-54.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Шай-хонтоҳур тумани 10-сонли давлат нотариал идораси но-тариуси Ирина Бондаревага отаси **Алексей Иванович ВАНЮХИНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати академия-нинг бош ҳисобчиси М.Т.Содиқованинг волидаи муҳта-рамаси

Мапурат ая ДЖУРАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Истиқлол туфайли аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида яратилган шарт-шаронлар, айниқса, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан йилга такомиллашиб, ўз самарасини бериш билан бирга, тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Эътиборлиси шундан иборатки, Ўзбекистон тиббиёти бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келмоқда. Бу муваффақиятлар заминини ҳозирлашда мамлакатимизда таълим соҳасидаги улкан ислохотлар доирасида тиббиёт инфратузлимиси учун замонавий мутахассис кадрларнинг етказиб берилаётганлиги ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бундан бир йил муқаддам Президентимизнинг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматоло-гия институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори-га мувофиқ, Тошкент Тиббиёт академиясининг сто-матология факультети базасида Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд тиббиёт институтлари, Нукус шаҳрида мазкур институтнинг филиалла-ри ташкил этилган эди. Ушбу ҳужжатнинг эълон қилиниши стоматология соҳасига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир амал-лий ифодаси бўлди.

